


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини
ишлаб чиқариш бакалавриат таълим йўналишининг
малака талаблари**

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент архитектура-қурилиш институти;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356- сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қиодалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1. 60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари.....	4
1.2.3. 60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	7
Келишув варағи.....	8

1. 60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.

Малака талаби 60730700 – *Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун маъсул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларининг молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш – “Архитектура ва қурилиш” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш, излаш, тайёрлаш, стандартлаш, тадқиқ қилиш, сақлашга йўналтирилган инсон фаолияти воситалари, усуллари билан боғлиқ комплекс масалалар билан боғлиқ касбий соҳалар мажмуасини камраб олади.

1.2.2. 60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

– қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш жараёнлари;

- қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини тайёрлашда қўлланиладиган хом ашё ва материаллар таҳлили;
- қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш технологиялари ва жиҳозларидан фойдаланиш жараёнлари;
- қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш жараёнида сифатини назорат этиш жараёнлари;
- энергия самарали ва инновацион қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш жараёнлари.

60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалавриат битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриатнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий–бошқарув;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- илмий–тадқиқот фаолияти;
- лойиҳа–конструкторлик фаолияти.

1.2.4. 60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий–бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдалинишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш;
- замонавий ахборот технологиялардан қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигига риоя қилиш;
- касбга оид муаммолар ва муҳандислик-конструкторлик ечимларини амалиётга тадбиқ қилиш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳитни ва меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- хом ашё, ёрдамчи материаллар вამ маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;
- амалдаги технологик асбоб ускуналарининг ишлашини таъминлаш, уларни яроқли ҳолатда ушлаб туриш;
- ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни сифатини назорат қилиш;
- қурилиш материалларидан фойдаланиш соҳаларида намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;
- қурилиш материаллари ва конструкцияларидан фойдаланиш жараёнларида технологик интизомга риоя қилиш;
- инновацион технологияларни ва янги қурилиш материалларини қўллаш;

- касбий этика кодексига риоя қилиш;
- қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини фойдаланишга топшириш қоидаларини билиши;
- қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини буюртмачининг талабига биноан синовлардан ўтказиш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари ва марказларда қурилиш материаллари ва буюмларини хоссаларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, қурилмалар, материаллар ва янги турдаги қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг таркиби ва технологиясини амалиётга тадбиқ этиш, конструкцияларни синовдан ўтказишда зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш;
- замонавий қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;
- қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари борасидаги муаммоли мавзулар бўйича техникага оид ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғидан энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

Лойиҳа-конструкторлик фаолиятида:

- хом ашё ва материалларнинг тузилиши, физик-механик ва кимёвий хоссаларини аниқлаш;
- маҳсулотларнинг техник-эксплуатацион кўрсаткичларини текшириш;
- моддий баланс, ишлаб чиқариш режимлари ва нормаларини таққослаш;
- ишлаб чиқаришнинг асосий (технологик) ва ёрдамчи жараёнларини танлаш;
- технологик регламент асосида ишлаб чиқариш жараёнларини танлаш;
- хом ашёларга ишлов бериш ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш лойиҳасини тузиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқиладиган лойиҳалар ва техник ҳужжатларни, топшириқлар, стандартлар, меъёрлар, техник шартлар ва бошқа ижро ҳужжатларига мувофиқ келишини таъминлаш.

2. 60730700 – Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятда фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш соҳасидаги жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш;
- қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш корхоналарида технолог, муҳандис бўлиб ишлаш, технологик жараёнларини бажариш;
- ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг сифатини назорат қилиш;
- қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш технологиясига риоя қилинишини назорат қилиш;
- қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, хом ашё материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузиш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, қурилиш материаллари, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалаврият ўқув жараёни, мустақил таълим, бетон ва темир-бетон конструкциялари, қурилиш материаллари, замонавий қурилиш материаллари ва буюмлари, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлар блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент архитектура-қурилиш институти



Ректор  **Р.Р. Ҳақимов**

202_ йил « ____ » _____

КЕЛИШИЛДИ:

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази**



Директор в.б.  **М. Эсонов**

202_ йил « ____ » _____

МЧЖ “ВЕТОМАХ ВЕТОН” заводи



Директор  **И.И. Рахимов**

202_ йил « ____ » _____


МЧЖ ҚҚ “AYSEL INSHAAT”

Директор  **М.М. Акрамов**

202_ йил « ____ » _____



**“Қуйлик кўприк темир-бетон
конструкциялари тажриба заводи”
унитар корхонаси**

Директор  **А. Жаббарберганов**

202_ йил « ____ » _____

